

**MAS'ULIYATI
CHEKLANGAN
JAMIYATI**



**LIMITED
LIABILITY
COMPANY**

DEPO-INVEST-TRAST

O'zbekiston Respublikasi 100000 Toshkent sh., Osiyo ko'chasi, 6 uy, 87 xonadon tel./ fax. 150-39-53

*2019 йил 26 шондаги
НО18-сонли*

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида ХУЛОСА

Акциядорлик жамияти: “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси
юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084,
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 97 А уй;
почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011,
Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 28 А уй;
тел./факс: +998 (71) 244-34-43/236-01-88,
эл.почта: info@uztelecom.uz, www.uztelecom.uz

Мустақил ташкилот: “DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон,
тел.: +998 (78) 150-39-53,
эл.почта: depintra@mail.ru, www.depintra.uz

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида (кейинги ўринларда – АЖ) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш 2018 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабргача бўлган давр учун “DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Мустақил ташкилот) томонидан АЖ билан 2019 йил 19 июнда тузилган НО18-сонли шартномага асосан амалга оширилди.

Мустақил ташкилот қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2014 йил 4 мартда берилган Инвестиция воситачиси сифатида 1258-сонли, Инвестиция маслаҳатчиси сифатида 1259-сонли ва Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида 1260-сонли лицензияларга эга.

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволномага мувофиқ ўтказилди.

Мустақил ташкилот фақат АЖ томонидан тақдим этилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган ҳамда конунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлиги учун АЖнинг раҳбарияти жавобгардир.

Мустақил ташкилот АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил фикр билдириш учун етарли асослар беради деб ҳисоблайди.

АЖ корпоратив бошқарувини баҳолашнинг йиғма ЖАДВАЛИ

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолӣ баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш	13	-135	135	35
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	230
3	АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	30
4	Танлов ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	35
5	ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	35
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	90
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	50
9	АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	50
	Жами	100	-1200	1200	605

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якуний натижасининг максимал натижага нисбатан фоиздаги кўрсаткичи: **50%**.

ХУЛОСА: Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, жами ҳақиқий баҳо 605 балл ёки фоиздаги кўрсаткичи 50% эканлигини ҳисобга олиб, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятининг самарадорлиги **юқори** деб тан олинди.

2018 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабргача бўлган давр учун “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида Ҳисобот _____ вақтда илова қилинади.

Директор



Х.А.Усманов